

ХЎЖАКЎРСИНГА ЎТАЁТГАН ТАДБИРЛАР

партияга фойда келтирмайди. Аксинча...

Бугун барча соҳадаги улкан ўзгариш ва ислохотлар қаерда, қандай вазифада ишлашимиздан қатъи назар, ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни рўй-рост танқидий таҳлил қилишни, неча йиллар давомида ўзгармай келётган эскича иш усуллари, «катта ишлар қилишимиз», деган ҳавойи кайфиятдан бутунлай воз кечишни, ҳаёт талаби асосида иш тутилиши тақозо этмоқда.

Ривожланган мамлакатлар таърибасидан маълумки, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш узок ва анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараёнда сиёсий партиялар, вакиллик ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ ислохотлар жуда долзарб аҳамият касб этади. Шу маънода демократик қадрият ва анъаналар ҳаётимизда қанчалик мустақкам ўрин эгаллаши, давлатнинг халқ келажиги ва фаровонлиги учун хизмат қилиши, она юртимизнинг эртага қандай мамлакат бўлиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг бугунги ташаббускорлиги, талабчанлигига боғлиқ, десак, муволафа бўлмайди. Сиёсий партиялар, мазмун-моҳиятига кўра, халқнинг сиёсий хоҳиш-иродасини ифода этади. **Оддий одамларнинг орзу-истаклари, мақсад-интиллари**дан узоқлашган партия ҳаётдан узоқлашади, **реал муаммоларни ҳал қилиш учун «қуйиб-пишмаган» партия баландпарвоз дастурлару шиорларга ўрганиб қолади, юзакчилик ва расмийчиликка мубтало бўлади.**

Юртимиздаги улкан ислохотлар самараси ўларок, фуқаролик маърифатининг юксалиши давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар ташкилотлари зиммасига жиддий масъулият юкляди. Нимага деганда, сайловчилари, аъзолари, хайрихоҳларининг таклиф ва истакларига таяниб ташаббуслар билан чиқмаган партиянинг обрўси тушиб, йўқолиб бораверади.

Партия ташкилотлари одамларга фойдаси тегадиган

ўтказётган тадбирларидан кимга қанчалик фойда тегаётганини ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Масалан, сўнги пайтларда ҳисобот эшитиш масаласига юзаки ёндашувлар ҳам сезилиб турибди. Сўровдан олдин ўз олдида аниқ бир режа кўймасдан, маълумот учун эшитувлар ташкил қилиш ҳолатлари кузатиляпти. Энг ёмони, бундай гайритабиий «одат»га айрим депутатлар, ҳисоб берувчилар ҳам ўрганиб қолаётгандай.

Айтайлик, маълум туман

Партия ташкилоти раҳбари ёки депутат олдиндан тайёрлаб қўйилган расмий маърузани ўқиб эшиттиради. Бир-икки киши сўзга чиқиб, уларни маъқуллайди. Шунинг билан тадбир тугайди.

ёки вилоят Кенгашида йўл қурилиш ташкилоти раҳбари депутатлар сўровига кўра ҳисобот берса, шу асосда сес-сия қарор қабул қилсаю, шундан кейин ҳудудда йўллар сифати яхшиланмаса, одамлар бирон-бир ўзгаришни ҳис қилмаса, бундай сўрову ҳисоботдан кимга нима фойда?..

Айрим ҳолларда маҳаллий Кенгашлардаги муҳокамаларда эшитувлар анча «сокин» ўтади. Ҳисобот ёки ахборот берувчи узундан-узун маърузани ўқиб беради. Олдиндан тайёрлаб қўйилган умумий характердаги бир-иккита саволлар берилади. Жавоблар ҳам шунга яраша бўлади. Шунинг билан айрим тавсиялар асосида таъсир кучи жуда кам бўлган қарор қабул қилинади.

Эшитувлар бундай силлиқ ўтишига аксарият ҳолларда депутатлар, партия гуруҳларининг масалани чуқур ўрганмагани, танқидий таҳлил қилмагани, муаммоларни ҳал қилишга амалда ёрдам берадиган таклифлар ишлаб чиқ-

магани сабаб бўлади. Яна баъзи-бир тоифа депутатлар фуқаролардан келган турли мурожаатларни тегишли ташкилотларга юберишни, унга жавоб талаб қилишни депутатлик сўрови, деб хато ўйлайди. Дарров ўтириб, баландпарвоз маълумотнома тайёрлашга киришади: «Биринчи чоракда унча, иккинчи чоракда бунча депутатлик сўрови жўнатилиб, ижроси қатъий назоратга олинди», «халқ депутатлари Кенгашида фалон раҳбарнинг электро-ратимиз манфаатлари билан

боғлиқ долзарб масаладаги ҳисоботи эшитилиб, тегишли қарор қабул қилинди»... Кейин шу каби маълумотлар бугун республика бўйлаб йиғилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги партия гуруҳлари қандай натижаларга эришмоқда, сайловчиларга берилган ваъдаларни бажариш бўйича қандай амалий ишлар қилинмоқда, деган саволларга кўп ўйлаб, таҳлил қилиб ўтирмасдан, юқоридаги маълумотлар асосида чиройли жавоб берилади. Яъни, амалий иш эмас, қозғол тўла ҳисоботлар биринчи ўринга чиқиб кетади. Қозғолда ишлаб, қозғолда натижа қайд этишдан эса ҳеч қандай фойда йўқ.

Шунинг учун айрим партия ташкилотлари, депутатлик биришмалари одамларга амалий ёрдам бериш, муаммоларни ўрганиб, ҳал қилиш йўллари қидириш ўрнига, қуруқ рақамлар ортдан «қувиш»га одатланиб қолаётгани афсусланарли.

Шунга қарамай, жойлардаги

партия ташкилотлари ўз ишига танқидий ёндашувни ёқтирмайди, таҳлилий-танқидий фикрларни хушламайди, таклиф ва ташаббуслар асосида иш тутмайди, шу орқали замондан орқада қолганини билдириб қўяди. Бу ҳолатга турли партиявий тадбирларни ёритиш жараёнида гувоҳ бўлганмиз.

Тадбир ўтказиш, тарғибот қилиш — партия ташкилоти фаолиятининг ажралмас бир қисми. **Фақат тарғиботда аниқ гоё, аниқ мақсад, аниқ ташаббус бўлиши керак. Бусиз сайловчилар, хайрихоҳларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб, муайян натижага эришиб бўлмайди.** Баъзан ҳаётни ўрганиб, вақтида илгари сурилган қичкина бир ташаббус сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузини бутунлай янги поғонага олиб чиқиши мумкин.

Келинг, шу ўринда маҳаллий партия ташкилотлари-ми аниқ кўнларда ўтказиб келатган айрим тадбирларнинг мавзуларига эътибор қаратсак.

«Ижтимоий кўмак ташаббускорликка йўл очмоғи даркор», «Соғлом ёшлар — соғлом жамият асоси». Энди бир тасаввур қилайлик, шундай мавзулардаги тадбирларда қандай масалалар ҳақида сўз юритилади? Аввало партиямиз Сайловотда дастурида бу борада қатор вазифалар белгилангани, ижтимоий фаоллигининг аҳамияти, қонуний асослари ва имкониятлар ҳақида умумий, баландпарвоз гаплар айтилади, партия ташкилоти раҳбари ёки депутат олдиндан тайёрлаб қўйилган расмий маърузани ўқиб эшитиради. Бир-икки киши сўзга чиқиб, уларни маъқуллайди. Шунинг билан тадбир тугайди. Бироз вақтдан сўнг тадбирларда нима ҳақда сўз юритилгани, қандай фикрлар билдирилгани ҳақида сўралса, кўпчилик тайинли бир гап айтолмайди...

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

ЎЗХДП ҳаётидан БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Шўрчи туман ҳокимлиги, прокуратураси, ЎЗХДП туман кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилинди. Унда 80 га яқин корхона ва ташкилот 534 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада асосий эътибор касб-хунар коллежлари битирувчилари, хотин-қизлар, Қуруллой Кучлар сафларидан бўшатилганлар ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганларни иш билан таъминлашга қаратилди.

— Электорат вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш доимий эътиборимизда, — дейди ЎЗХДП Шўрчи туман кенгаши раиси Ботир Ражабов. — Жорий ўқув йилида тумандаги 9 касб-хунар коллежининг 3800 нафарга яқин йиғит-қиз тугаллади. Уларнинг ишга жойлашишини таъминлаш — долзарб масала. Яқинда маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ўтказилган ярмаркада 45 нафар киши иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашган бўлса, бугун яна 46 нафар фуқаро муқим иш жойига эга бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«МЕН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИ ТАНЛАДИМ»

Гулистон шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказида шу номли акция ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, вилоят партия кенгаши ходимлари, партия фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар қуйи бўғин фаолиятини ривожлантириш ҳақида сўз юритишди. Президентнинг қарор ва фармонлари, турли соҳа вакиллари билан учрашувларидаги нутқларини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг сиёсий саводхонлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирди. Шунингдек, ҳудудлардаги муаммоларни маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда ўрганиш, бошлангич ташкилотнинг вазифаси экани таъкидланди.

Акция доирасида тиббиёт марказида бошлангич партия ташкилоти тузилди. 50 дан ортқ шифокор ва ҳамшира партия аъзоллигига қабул қилинди.

Фарида НАРЗИЕВА

Қонун ва шарҳ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИНИНГ ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштиришга ҳам эҳтиёж туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» (80, 93, 108 ва 109-моддаларига) ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»-ги қонуналар конституциявий судловни замон талабига мувофиқ такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат? Бу ҳужжат инсон ҳақ-ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлашда қандай ўрин тутаяди?

Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, юридик фанлар номзоди, ЎЗХДП фаоли Босид ЭРҒАШЕВ ана шу саволларга жавоб берди.

— Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда конституциявий назорат босқичма-босқич ривожланди ҳамда тараққийнинг миллий хусусиятлари ва конституциявий бир хиллик сақлаб қолинди. Суверен демократик давлат қурилишининг асосий мақсади шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳокимиятлар бўлишини принципини ҳисобга олган ҳолда бошқарувни ташкил этишдир.

Маълумки, Конституциявий суд бошқа суд тизимидан алоҳида, маъмурий ва молиявий жиҳатдан мустақил, давлатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Бош қомусимизга мослигини текширадиган ягона органдир. Унинг қарори барча давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, яқиний ҳаракатга эга. Судья қарор қабул қилаётганда ўз ҳуқуқий қарашини сиёсий ва бошқа таъсирлардан холи ҳолда ифода қилади. Шу тўғрйли Конституциявий суд фаолиятига ара-лашишга йўл қўйилмайди.

Мазкур суд органи Конституция-га риоя этилишининг қафили бўлиб, барча давлат органлари ҳужжатларининг Асосий қонунга мувофиқлиги масаласини ечишда ҳал қилувчи ўринга эга.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар қабул қилиниши билан Конституция-вий суднинг ваколатларини кенгайтиришга, жамият ва давлат ҳаётида унинг ролини кучайтиришга йўналтирилган янги давр бошланди, деб айтиш мумкин. Жумладан, мазкур суд ваколатларига сезиларли ўзгартиришлар киритилди. Энди бу суд органи Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуналари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шарт-номаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонуналарини Президент

имзолагунга қадар Конституцияга мувофиқлигини текширади.

Муҳим қўшимчалардан бири — Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиш бўлди. Ушбу суднинг мазкур ваколати шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг

Конституциявий суднинг судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Олий Мажлис палаталари ва Президентга мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш мажбурияти ҳам назарда тутилмоқда.

ҳуқуқ ва эркинликларини бузилганлиги бўйича шикоятлар ва судлар сўровига кўра, Суд қонунчилиқда белгиланган тартибда қонуннинг аниқ ишда қўллаш ёки тегишлилигини текширади. Судлар сўровига кўра, ишни кўриб чиқиш — Конституциявий суднинг доимий ва муҳим фаолият йўналиши бўлиб, Ўзбекистон Республикаси суд тизимидаги қурувчи бошқа судлар билан ҳамкорлигини таъминлайди.

Конституциявий суднинг судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Олий Мажлис палаталари ва Президентга мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш мажбурияти ҳам назарда тутилмоқда. Мазкур тартиб келгусида қонун устуворлигини таъминлаш, унинг принциплари ва нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, Бош қомус нормаларига зид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишининг олдини олади.

Қабул қилинган ўзгартишларга мувофиқ, Конституциявий судни шакллантиришнинг демократик механизми ҳам жорий қилинаёпти. Яъни, мазкур суд Президентнинг тақдирномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат тартибда сайланади. Бунда Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари аъзолар томонидан ўз таркибидан сайлашни белгиллаб қўйлаётгани диққатга сазовордир. Бу янгиликлар суднинг чинакам мустақиллигини таъминлашга, унинг фаолияти

самарадорлиги ва нуфузини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, судьялик лавозимига ёш чегараси (35 ёшдан 70 ёшгача) белгилангани ҳам алоҳида қайд этиш зарур.

Конституциявий суднинг қонунларнинг ва қонуности ҳужжатларининг конституциявийлигини текшириш фаолиятини ва конституциявий судловнинг ҳуқуқий механизмининг такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда конституциявий судлов масалаларига «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»-ги қонуни нормалари билан, шунингдек, ушбу суд Регламенти билан тартибга солинади. Конституциявий судлов масалаларига «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»-ги қонуннинг бор-йўғи ўнча моддаси бағишланган. Шу муносабат билан мазкур суд органининг процессуал ҳаракатларини амалга ошириш жараёни ва аниқ тартибини белгилловчи Конституциявий судлов тўғрисидаги қонуни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадага мувофиқдир. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши суд ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, конституциявий назорат такомиллаштирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кенгайтириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Нурали ОРИПОВ
ёзиб олди.

Оддий одамларнинг орзу-истаклари, мақсад-интилишларидан узоқлашган партия ҳаётдан узоқлашади.

